



ДХХ ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Холбўтаев Абдуғани Абдурахимович

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси
ю.ф.ф.д (PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10464683>

ARTICLE INFO

Received: 30th December 2023

Accepted: 05th January 2024

Online: 06th January 2024

KEY WORDS

Давлат чегараси, Давлат
чегарасини қўриқлаш,
хуқуқбузарликлар
профилактикаси, Давлат
чегараси дахлсизлиги,
Давлат чегараси режими,
Давлат чегараси орқали
ўтказиш пунктларидаги
режим.

ABSTRACT

Мақолада ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётининг айрим масалаларининг таҳлили ёритиб берилган бўлиб, миллий қонунчилик ҳужжатларини кўриб чиқиш натижаларига мувофиқ, Чегара қўшинларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига қўшимча киритилиши юзасидан таклиф билдириб ўтилган.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган хуқуқбузарлик кўринишларидан бири – маъмурий хуқуқбузарликдир. Маъмурий хуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчиликда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги умумий хусусиятларга эга.

Биринчидан, маъмурий хуқуқбузарлик — ижтимоий зарарли ҳисобланади, яъни унинг содир этилиши жамият ва фуқароларнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига моддий ва маънавий зарар етказиши.

Иккинчидан, маъмурий хуқуқбузарлик — маъмурий хуқуққа хилоф ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонунчилик ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланган.

Учинчидан, маъмурий хуқуқбузарлик қилмишдир. Маъмурий хуқуқбузарлик – бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади.

Тўртинчидан, маъмурий хуқуқбузарлик – жисмоний шахс томонидан содир этиладиган қилмишдир. МЖТКга биноан маъмурий хуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён бўлиши мумкин.

Бешинчидан, маъмурий хуқуқбузарликда айбнинг мавжудлиги, яъни маъмурий хуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.



*Олтинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик жазога сазовор қилмишдир*¹.

МЖТКнинг тўртинчи бўлими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш асослари ва тартибига бағишланган бўлиб, айрим концептуал ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, деярли ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолияти олиб борилмаган. Бу борада Н. Дадабоева ҳам янги тенденциялар маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид суд амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади деб ҳисоблайди².

ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритувчи субъект сифатидаги ҳуқуқий мақоми МЖТКда ўз аксини топган.

Хусусан, мазкур кодекснинг 248²-моддасига кўра, ДХХ Чегара қўшинларига ушбу МЖТКнинг 224-моддасида, 224¹-моддасининг биринчи қисмида, 225-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқдир, ДХХ Чегара қўшинлари бўлинмаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари Чегара қўшинлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тарзидаги маъмурий жазо чораси қўллашга ҳақли.

ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколат тақдим этилган дастлабки қонун ҳужжати сифатида 2022 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–753-сон³ Қонунини айта оламиз.

Бундан ташқари, 2023 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ–832-сон⁴ Қонуни қабул қилиниши орқали ДХХ Чегара қўшинларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти такомиллаштирилди.

ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан Давлат чегарасини қўриқлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлардан асосан МЖТКнинг 224, 224¹, 225-моддаларида назарда тутилган қонун бузилишлари бўйича тегишли процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

МЖТКнинг 224-моддаси диспозициясига кўра, “Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш” учун жавобгарлик белгиланган.

¹ *Одилқориев Х.Т., Қосимов Б.Э.*, Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик – Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2010. – Б. 198-201.

² *Дадабоева Н.*, Ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим // *odillik mezoni. Ўмиу-amaliy, huquqiy jurnal.* 2019 й. №1. – Б. 18.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 февралдаги ЎРҚ–753-сон “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 16 февраль.

⁴ “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–832-сон “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.



Келтирилган модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини келтириб чиқариш учун, унинг таркибий элементларидан бири маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти бўлган чегара зонасига, шунингдек вақтинча чеклов белгиланган жойларда кириш ва бўлиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг тартибини бузганлик фактининг мавжудлиги талаб этилади.

Бироқ, ДХХ Чегара қўшинлари бўлинмалари ҳарбий хизматчилари томонидан айрим шахсларнинг чегара зонасига фақатгина кириш ва яшаш қоидаларини бузганликлари бўйича эмас, балки хўжалик ва бошқа фаолият олиб бориш билан боғлиқ талабларни бузганлик бўйича ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар расмийлаштирилиб келинмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуннинг⁵ 4-моддасига асосан, чегара зонаси деганда, чегара минтақасига туташ бўлган, чегара режими жорий этиладиган чегараолди ҳудуди ёки унинг бир қисми тушунилади.

Мазкур Қонуннинг 48-моддасига кўра, чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби ва қоидалари чегара режимини ташкил этади.

Қонуннинг 52-моддасида чегара режимининг бузилиши келтирилган бўлиб, унга асосан, чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш) ва ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибига шахслар томонидан роя этилмаслиги чегара режимининг бузилишидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори⁶ билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисида низом”нинг 2-бандига кўра, чегара зонасидаги чегара режими – чегара зонасига кириш (чиқиш), ундан ўтиш, бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва хўжалик ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгиладиган қоидалар тўпламидан иборат эканлиги белгиланган.

Келтирилган таҳлил натижалари, МЖТКнинг 224-моддасининг диспозицияси чегара зонасига кириш (чиқиш), ундан ўтиш, бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ва хўжалик ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби ва қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўлиқ қамраб олмаганлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, келгусида ДХХ Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари томонидан шахсларнинг чегара зонасида хўжалик ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби ва қоидаларини бузганлик бўйича расмийлаштирилган қарорларнинг суд тартибида бекор бўлишига олиб келиши мумкинлигини истисно қилмайди.

Шу ўринда, қонун ҳужжатларидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар сабабли, ҳуқуқ нормасининг ишламаслиги Л.Б. Хван таъкидлаганидек, фуқароларда “ҳуқуқ билан тақиқланмаган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарлик сифатида тан олиниши мумкин эмас”⁷ деган қарашни пайдо бўлишига шароит яратмоқда.

⁵ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги 2023 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ–868-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2023 йил 13 сентябрь.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 6 июль.

⁷ Хван Л.Б., Солик ҳуқуқи // Масъул муҳаррир М.Х. Рустамбаев. – Т.: Консаудитинформ, 2001. Б.– 432.



Қайд этиш жоизки, чегара режимини бузиш билан боғлиқ қоидаларнинг бузилиши бўйича ўтказилаётган тадбирлар жараёнида, чегараолди ҳудудларда (чегара зонаси ўрнатилган ҳудудлар) яшовчи фуқароларнинг яшаш масканларида белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органларидан рухсатнома олмасдан яшаш ҳолатлари аниқланмоқда ва уларнинг хатти ҳаракатлари МЖТКнинг 224-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, тегишли чоралар кўрилиши ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Бироқ, мазкур ҳолатда шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори⁸ билан тасдиқланган низомнинг 12-бандига мувофиқ, чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқаролик паспорти ва шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлардан (хизмат гувоҳномаси, ҳарбий билети, туғилгани ҳақида гувоҳнома) ташқари чегара зонасида бўлиш учун ички ишлар органлари томонидан бериладиган алоҳида рўйхатга олиш карточкаси ҳам бўлиши шарт.

МЖТКнинг 224-моддаси 2-қисмига асосан, чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга киришга ҳамда уларда яшашга оид қоидаларни бузган фуқароларнинг бундай жойларда яшашига йўл қўйиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан кўринадики, чегара зонаси, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларда (чегара минтақасида) яшовчи фуқароларга, ўзларининг яшаш хонадонларига чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларнинг белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органларидан рухсатнома олган ҳолда яшашларига йўл қўйиши бўйича мажбурият юклайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг⁹ 48-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

“Чегара режими тўғрисидаги низом” ва бошқа чегара режими қоидаларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг таҳлили уларнинг ҳеч бирида чегара зонаси, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларда (чегара минтақасида) яшовчи фуқароларга, ўзларининг яшаш хонадонларига чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларнинг белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органларидан рухсатнома олмаганларни яшашларига йўл қўймаслик бўйича мажбуриятлар **мавжуд эмаслигини** кўрсатмоқда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низом тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 6 июль.

⁹ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги 2023 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ–868-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2023 йил 13 сентябрь.



Қайд этиш жоизки, МЖТКнинг 224-моддаси 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ДХХ Чегара қўшинлари мансабдор шахслари томонидан 2022 йилда – 15 та, 2023 йилда эса – 11 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилган.

Чегара зонаси, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларда яшовчи фуқароларга, ўзларининг яшаш хонадонларига чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларнинг белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органларидан рухсатнома олмаганларни яшашларига йўл қўймаслик бўйича мажбуриятларни белгиловчи қонунчилик ҳужжатининг мавжуд эмаслиги, келгусида ДХХ Чегара қўшинлари мансабдор шахслари томонидан МЖТКнинг 224-моддаси 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича чиқарилган қарорларнинг суд тартибда бекор бўлишига олиб келиши мумкин.

Қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш, чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларда яшашига йўл қўйган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига тўлақонли ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш мақсадида, Ҳукуматнинг 2018 йил 5 июндаги 504-сон қарори билан тасдиқланган “Чегара режими тўғрисидаги низом” қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“13¹. Чегара зонасида, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларда яшовчи шахслар чегара зонасида доимий яшамайдиган ва бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларга ўзларининг турар жойини бериш (яшашларига йўл қўйиш) жараёнида, уларга чегара режими қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз вақтида тушунтириб берилишини таъминлайдилар ҳамда уларнинг ички ишлар органларида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниши ва тегишли рухсатнома олинишини таъминлаш учун жавобгар бўладилар”.

Қайд этилган қонунчиликка киритилиши белгиланган таклиф келгусида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини яна бир бор кафолатлашга ҳамда ушбу қонунчиликка киритилиши режалаштирилган таклифнинг қабул қилиниши орқали бу каби ҳуқуқбузарликларнинг маълум даражада олдини олишга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 февралдаги ЎРҚ–753-сон “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 16 февраль.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада



кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида” 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–832-сон “Халқ сўзи”, 2023 йил 26 апрель.

4. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги 2023 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ–868-сон Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2023 йил 13 сентябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 6 июль.

6. Хван Л.Б., Солиқ ҳуқуқи // Масъул муҳаррир М.Х. Рустамбаев. – Т.: Консаудитинформ, 2001.

7. Одилқориев Х.Т., Қосимов Б.Э., Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик – Т., Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2010.

8. Дадабоева Н., Ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим // *Odillik mezon*. Ilmiy-amaliy, huquqiy jurnal. 2019 й. 1-сон.